O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BOSHQA TARMOQLARDA BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT” KAFEDRASI

MOLIYAVIY HISOBOT AUDITINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA O‘TKAZISHNING NAZARIY, TASHKILIY VA METODOLOGIK MASALALARI

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi
MATERIALLARI
(2024 yil 15 noyabr)



SAMARQAND – 2024

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BOSHQA TARMOQLARDA BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT” KAFEDRASI

MOLIYAVIY HISOBOT AUDITINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA O‘TKAZISHNING NAZARIY, TASHKILIY VA METODOLOGIK MASALALARI

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi
MATERIALLARI
(2024 yil 15 noyabr)

SAMARQAND – 2024

UO‘K: 657.6-051:006
Sh 63
KBK: 65.053

Moliyaviy hisobot auditini xalqaro standartlar asosida o‘tkazishning nazariy, tashkiliy va metodologik masalalar. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari 2024 yil 15 noyabr kuni. Samarqand, SamISI, 2024. – 434 bet.

To‘plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

U.A. Shirinov – PhD, Dotsent;
X.O‘. Po‘latov – katta o‘qituvchi;

Nashr uchun mas’ullar:

K.B.Urazov – iqtisod fanlari doktori, professor;
M.Q.Pardaev – iqtisod fanlari doktori, professor;
S.N.Tashnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor.

Mazkur kitob buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va auditning nazariy va metodologik muammolari, soha sub’ektlarida auditning xalqaro standartlarini keng joriy qilish, jumladan moliyaviy hisobotni MHXSlari talablariga muvofiqlashtirish, “Buxgalteriya hisobi va audit” ta’lim yo‘nalishini xalqaro akkreditatsiyadan o‘tkazish, buxgalterlar va auditorlarni xalqaro sertifikatlashtirish, korxona va tashkilotlarda auditni xalqaro standartlar asosida o‘tkazish, moliyaviy nazorat tizimini takomillashtirish, korxonalar faoliyati samaradorligini baholash va tahlil qilishga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqotlar natijalari o‘rin olgan. Ushbu to‘plamda tadqiqot natijalari bo‘yicha olingan xulosa va takliflar iqtisodiyotimizning rivojlanishiga, buxgalteriya hisobi va auditni xalqaro andozalar asosida tashkil etishga, ta’lim tizimini kredit-modul tizimiga o‘tkazishga xizmat qiladi.

Oliy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilari, doktorantlar, mustaqil tadqiqotchilar, magistrantlar va bakalavrlar, shuningdek korxonalar rahbarlari, buxgalterlar, auditorlarlar va boshqa mutaxassislar uchun mo‘ljallangan.

Ilmiy to‘plam Oliy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilari, talabalari, magistrlar, tayanch doktorantura, doktorantura, mustaqil izlanuvchilar va soha mutaxassislariga mo‘ljallangan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan, raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas’ul. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to‘g‘ri kelmasligi mumkin.

ISBN: 978-9910-702-29-7

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2024

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИГА МУВОФИҚ СОТИШ ЖАРАЁНИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тоҳир Сатторов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг афзалликлари. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ операция нархини аниқлаш тартиби келтирилган.

Калитли сўзлар: Тушум, шартномалар, харидорлар, ўзгарувчан қоплама, энг эҳтимолли миқдор методи.

Ўзбекистонда корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га жадал ўтмоқда. МҲХСга ўтиш бир қанча афзалликлар ва имкониятларни юзага келтиради. Биринчидан, МҲХСлари ахборотларнинг сифат даражасини кескин оширади, яъни маълумотларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлиги таъминланади. Бу ўз навбатида бошқарув қарорларининг ўз вақтида ва тўғри қабул қилинишига олиб келади. Чунки, бошқарув қарорлари сифатли ахборотларга таянади. Иккинчидан, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилайди. Хорижий инвесторларнинг талаблари ва эҳтиёжларига монант ахборотлар тайёрлаш имконияти юзага келади. Учинчидан, молиявий ҳисоботларнинг шаффоф бўлишига эришилади, унинг тушунарлилик даражасини оширади, маълумотларга очиқлашлар бериш имконияти кенгаяди. Тўртинчидан, молиявий ҳисоботларнинг халқаро молиявий ташкилотлар, халқаро инвесторлар, халқаро банклар ва халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан тан олинишига олиб келади. Бешинчидан, халқаро савдо, шунингдек ташкилотларнинг экспорт имкониятлари ошади.

МҲХСларига ўтиш маълум тажрибаларни, шарт-шароитларни ва тайёргарлик ишларини амалга оширишни талаб қиладиган жараён ҳисобланади. МҲХСларига бир уринишда ўтиб бўлмайди. МҲХСларга пухта ва мукаммал ўтиш учун МҲХСларини биладиган мутахассислар салмоғини ошириш керак. Халқаро стандартларнинг қўлланилиши бўйича тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Бундан ташқари халқаро стандартларни жорий этиш барча тизимларни, жумладан янги қабул қилинадиган корхоналар тўғрисидаги Кодекси, солиқ Кодекси, Меҳнат кодекси, банк-молия тизимига оид қонунлар, ҳаққоний қийматда баҳолаш хизматлари, хом-ашё, кўчмас мулк ва валюта бозорлари, шунингдек бошқа фаол бозорлар шаклланиши талаб этилади. МҲХСлари рақамли иқтисодиётни тақозо этади. МҲХСларига сифатли ўтишни таъминлаш учун ҳар бир халқаро стандартни тадқиқ этишимиз, унга мувофиқ келадиган услубий тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, халқаро стандартларни ўрганишда концептуал қоидалардан кейин даромадлар ҳисобини тартибга соладиган стандартларни ўрганишдан бошлаш керак. Чунки, даромадлар халқаро стандартларга мувофиқ тан олинса,

баҳоланса ва ҳисоботларда ишончли акс эттирилса, бу жараён бошқа ҳисоб объектларини ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Ушбу таълимотлардан келиб чиқиб, 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартини тадқиқ этиш асосида сотиш жараёнини ҳисобга олишни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу стандартнинг мақсади компаниялар ўзларининг тушумларини ҳар қандай бизнес ҳолатларда ишончли ва ҳаққоний тан олиш, ташқи қизиқувчиларга барча пул тушумлар тўғрисида объектив кўринишларни тақдим қилишга эришишда амал қилинадиган қоидалар муажмуасини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Натижада, турли фаолият билан шуғулланувчи компанияларнинг қиёсланувчанлиги таъминлаган ҳолда бир хил кўринишда, битта тилда ва батта шаклда ҳисоботларни тақдим этиш имконияти юзага келади. Бошқача қилиб айтганда стандарт турли хил компанияларнинг тушумлар бўйича ҳисоботларнинг бир хиллиги ва мазмунининг қоидаларга мавофиқлигини таъминловчи меъёрдир.

15-сон МҲХС 2018 йил 1 январдан кучга киритилган. Стандарт қоидалари тушумларни бешта босқичда тан олишни кўзда тутади:

1. Шартномаларни идентификация қилиш;
2. Шартномаларда бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш;
3. Шартноманинг баҳоси;
4. Шартнманинг баҳосини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш;
5. Бажарилишларга оид мажбуриятлар бажарилиши мабойнида тушумни тан олиш.

Ушбу босқичда муҳим жараён ҳисобланган операция нархини белгилаш **ўзгарувчан қоплама ва унинг чегараланишлари**ни ҳисобга олиш масалаларига тўхталиб ўтсак. Шартномада ваъда қилинган қоплама суммаси чегирма, дисконт, қоплаб бериш, йиғилган баллар, баҳодан тушишлар, рағбатлар, бонуслар, жарималар ва бошқа омиллар ҳисобидан ўзгаради. Қопламанинг ўзгарувчан бўлишига сабаб, унинг юз бериши маълум ҳодисаларнинг келгусида рўй бериши ёки рўй бермаслигига боғлиқ бўлади. Ўзгарувчан қопламани баҳолашнинг энг эҳтимолли миқдор методи кенг қўлланилади.

“Элит академик мактаб” нодавлат таълим муассасаси МЧЖ “Стеклопласт” корхонаси билан 125 450 000 сўмга ошхона жиҳозларини 2023 йил 1 июнга етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Агарда 20 майгача етказилиб берилса шартнома суммасига нисбатан 8% бонус (мукофат) бўлиши белгиланган. Агарда жиҳозлар 20 майдан кейин етказиб берилса бонус бўлмайди. Демак шартнома суммасини иккита қисмга ажратиш мумкин бўлади. Биринчи операция нархининг ўзгармас қисми. Бу суммани қуйидагича аниқлаймиз:

Шартномада кўрсатилган операция нархининг ўзгармас қисми – 125 450 000 сўм

Шартноманинг ўзгарувчан суммаси энг эҳтимолли метод усулида баҳоланади. Ўтган йиллар ва ундан олдинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, компания юқори эҳтимол билан ошхона жиҳозларини 20 майгача етказиб беради. Бу борада маркетинг бўлими мутахассисларининг ҳисоб-китоблари мавжуд. У ҳолда мазкур шартноманинг ўзгарувчан қисми, яъни бонус (мукофат) суммасини аниқлаймиз:

$$\text{Операция нархининг ўзгарувчан қисми} = \frac{125\ 450\ 000 \times 8\%}{100\%} = 10\ 036\ 000 \text{ сўм}$$

Шартнома бўйича операция нархини аниқлаймиз. Операция нархи икки қисмдан иборат тушумларнинг йиғиндисидан иборат бўлади:

Шартнома бўйича операция нархи = Операция нархининг ўзгармас қисми + операция нархининг ўзгарувчан қисми (1)

Ушбу ёндашув асосида юқорида ҳолатда операция нархи қуйидаги суммани ташкил этади:

Шартнома бўйича операция нархи = 125 450 000 + 10 036 000 = 135 486 000 сўм

Бундай операцияларни амалиётда кўплаб учрашимиз мумкин. Асосий масала бизнинг амалиётимизда ҳам ўзгарувчан қопламаларни аниқлаш ва тушумнинг умумий суммасига киритишнинг услубий масалалари ҳали ўзининг ечимини топган эмас.

Хулоса. Тадқиқотлар жараёнида бугунги кунда халқаро стандартларга ўтиш долзарб масала ҳисобланади. МҲХСларини жорий этиш молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг ишончлиги ва ҳаққонийлигини таъминлайди. Бизнинг назаримизда МҲХСларга ўтаётган корхоналар биринчи навбатда тушумларни ҳисобга оладиган стандартларнинг талабларини ҳисобга олиши лозим бўлади. Чунки, даромадлар ҳисобининг сифати бошқа объектлар ҳисоби объективлигини белгилайди. Шу мақсадда 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти талабларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Мазкур стандарт тушумларни бешта босқичдан иборат модел асосида тан олиш тизимни жорий этди. Ушбу босқичларда операция нархини аниқлаш асосий жараёнлардан ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида энг эҳтимолли миқдор методи асосида аниқлаш тартиби кўрсатиб берилди. Ушбу ҳолатларни амалиётда инобатга олиниши ҳисоботларнинг ишончлигини ва келгусидаги баҳолашларга асосланганлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” https://base.garant.ru/70867610/

2. С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. –Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023-580 бет.

Интернет сайтлари рўйхати

https://ifrs.academy/uz
https://normativ.kontur.ru/document?moduleId=41&documentId=248939
https://www.ifrs.org/home/

MOLIYAVIY HISOBOT AUDITINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA O‘TKAZISHNING NAZARIY, TASHKILIY VA METODOLOGIK MASALALARI

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi
MATERIALLARI
(2024 yil 15 noyabr)

“STAP-SEL” MChJ nashriyoti,
Samarqand - 2024.

ISBN: 978-9910-702-29-7

Tasdiqnoma № 033337 (27.07.2022)
Nashrga ruxsat etildi: 18.12. 2024 y.
© “STAP-SEL” MChJ nashriyoti, Samarqand 2024 y.

7804

2024 yilda chop etildi.
Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog`i 27.12
Buyurtma № 0143A/24. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo`limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy.

ISBN: 978-9910-702-29-7

